Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 121 (5712).
28 МАЙ 1985 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ — ПАРТИЯ АНЖУМАНИГА

ТАШАББУС ИЗДОШЛАРИ

Мана тўрт йилдирки, мебель ойналари фабрикаси коллективи номи шаҳар Ҳурмат тахтасидан тушмаяпти. Корхона коллективи шаҳар саноат корхоналари ўртасидаги социалистик мусобақада фаол иштирок этиб совринли ўринларини эгаллаяпти.

Корхонада ишлаб чиқаришга техника тараққиёти ютуқларини кенг жорий этиш, ишчи ва хизматчиларнинг касб маҳоратини ошириш эвазига ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ортиб, сифати яхшиланиб боряпти. Ҳозир бу ерда ҳар йили олти миллион сўмлик юқори сифатли маҳсулот тайёрланиб, республикамизнинг мебелсозлик корхоналарига етказиб берилаяпти. Бу маҳсулотнинг 35 проценти давлат Сифат белгисига эга.

Фабрика коллективи республиканинг 18 илғор КПСС XXVII съездини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олиш бўйича бошлаган ташаббусини маъқуллаб кутиб олди.

Ишчилардан О. Тўхтаев, О. Қўшоқова, Х. Файзиева, С. Набиев, А. Мирзахоновлар Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги арафасида ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажарганликлари ҳақида рапорт берган эдилар. Бугунги кунда улар «Ўн саккизлар ташаббуси»га қўшилиб йилни муваффақиятли якунлаш ва XXVII съезд очиладиган кунга қадар 1986 йилнинг биринчи квартали топшириғини бажариш учун курашни кенг қулоч ёйдириб юбордилар.

Ж. БОҒБЕКОВ.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Касаба союзлари Бутуниттифоқ Марказий Совети Совет Ўзбекистонининг касаба союз ташкилотларини, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, зиёлилари, барча меҳнаткашларини республика касаба союзларининг 60 йиллиги билан қизғин табриклайди.

Совет Ўзбекистонининг касаба союзлари Коммунистик партиянинг синалган раҳбарлиги остида, совет халқларининг ягона оиласида олтмиш йил мобайнида катта ва шонли йўлни босиб ўтди. Касаба союзлари халқ хўжалиги планларини бажаришда, социалистик мусобақани ривожлантиришда актив қатнашмоқда, одамларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик кўрсатмоқда, ишчи ва хизматчиларни коммунизм идеалларига садоқат руҳида тарбиялашда, уларнинг ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришда кўп иш қилмоқда.

Ўзбекистон ССР ўтмишдан мерос бўлиб қолган қолоқликка барҳам бериб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, фан ва маданиятни юксалтиришнинг олдинги марраларига чиқиб олди, халқ хўжалигининг машинасозлик, химия, энергетика металлургия сингари энг муҳим тармоқларини тез суръатлар билан ривожлантирмоқда, қишлоқ хўжалигида катта ўзгартишларни амалга оширмоқда.

Ўзбек халқининг хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларидаги ютуқлари — КПСС ленинча миллий сиёсати ҳаётбахш кучининг, буюк социалистик Ватанимиздаги барча халқлар бузилмас қардошларча дўстлиги ва ўзаро ёрдамининг ёрқин далилидир.

Республика касаба союзлари ўзининг 60 йиллигини бутун совет халқи Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг жамиятимиз тараққиётида муҳим босқич бўлиб қоладиган XXVII съездига зўр сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги вазиятида ҳозирлик кўраётган бир пайтда нишонламоқда.

КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми совет кишиларининг моддий ва маънавий турмуш шароитлари соҳасида чуқур ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган катта вазифаларни илгари сурди. Социал-иқтисодий тараққиётни тубдан жадаллаштириш, тарихан қисқа вақт ичида ижтимоий меҳнат унумдорлигини жаҳонда эришилган юксак даражага олиб чиқиш, социал адолат принципини изчил амалга ошириш, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш энг муҳим вазифадир.

Бу вазифаларни амалга оширишда касаба союзларининг роли катта. Касаба союзлари меҳнаткашларнинг ижодий ташаббускорлиги ва активлигини ҳар томонлама кучайтириш, хўжалик органлари билан биргаликда социалистик мусобақа таъсирчанлигини ривожлантириш, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат малакасини ўстиришга кўмаклашиши, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг тажрибасини кенг ёйиши, меҳнат интизомининг кундалик эҳтиёжларини қондириш тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиши керак.

ВЦСПС катта социал-иқтисодий вазифаларни, КПССнинг бўлажак XXVII съезди шарафига қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажаришда, социалистик интизомни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда Ўзбекистон касаба союз ташкилотларига ва барча меҳнаткашларга янгидан-янги муваффақиятлар тилайди ҳамда республика касаба союзлари бундан буён ҳам Ўзбекистон Коммунистик партияси раҳбарлигида коммунистик жамият қурувчиларининг олдинги сафларида бораверади, деб қатъий ишонч билдиради.

КАСАБА СОЮЗЛАРИ БУТУНИТТИФОҚ МАРКАЗИЙ СОВЕТИ.

ТАШАББУСКОРЛИК БИЛАН, ИЖОДИЙ ИШЛАЙЛИК

Республика меҳнаткашлари турмушида қувончли ва тантанали воқеа: мамлакат касаба союзларининг жанговар отрядларидан бири — Ўзбекистон касаба союзлари олтмиш ёшга тўлди. Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг 27 май куни Тошкентда, Алишер Навоий номли театрда бўлиб ўтган юбилей пленуми шу воқеага бағишланди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинчи Марказий Комитети Сиёсий бюроси давомли қарсаклар остида якдиллик билан фахрий президиумга сайланади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаевга сўз берилади. У республика касаба союзлари аъзоларининг олти миллион кишилик армиясини шонли сана билан табриклади, Ватан шон-шуҳрати йўлида, унинг экономикаси ва маданиятини янада юксалтириш йўлида муваффақиятлар, меҳнатда янги зафарлар тилади. Ҳозир бўлган кишиларнинг гулдурос қарсаклари остида И. Б. Усмонхўжаев Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғини топширди. Ўзбекистон касаба союзлари хўжалик ва маданий қурилишда, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда актив қатнашганликлари учун шу мукофотга сазовор бўлди.

Ўзбекистон касаба союзларининг 60 йиллиги тўғрисида Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг раиси Н. М. Маҳмудова доклад қилди.

Пленумда шу нарса уқтириб ўтилдики, Ўзбекистон меҳнаткашлари жамиятимиз тараққиётида катта босқич бўлиб қоладиган партия XXVII съездини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқдалар. Съездолди ишининг асосий йўналишлари ва характерини КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми аниқ белгилаб берди.

КПСС Марказий Комитети шу Пленумининг қарорларини амалга ошириш учун, йиллик планни ва умуман беш йиллик планни сўзсиз бажариш, олға томон жадал ҳаракат қилиш йўлида пишиқ-пухта негиз яратиш учун кураш — ҳозирги турмушимизнинг моҳияти ва маромини белгилаб турган энг муҳим омилдир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XX пленуми қилинган иш якунларини атрофлича таҳлил этиб, республика коммунистларининг, барча меҳнаткашларининг диққат-эътиборини хўжалик ва социал-маданий қурилиш самарадорлигини ошириш масалаларига қаратди.

Партия, совет, хўжалик органлари ва касаба союз ташкилотларининг фаолиятида ишга ижодий ёндашиш руҳи тобора мустаҳкам қарор топмоқда. Республика меҳнаткашлари партиянинг ҳамма жойда уюшқоқликни қарор топтириш ва интизомни мустаҳкамлаш, салбий ҳодисаларни тугатиш учун кучайтириб юборган курашини ёппасига маъқуллаб, бажонидил қўллаб-қувватладилар, дейишди пленумда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларига мувофиқ, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида тартиб ўрнатиш, ташкилотчилик ва сиёсий фаолият савиясини ошириш соҳасида ўтказилаётган ишлар республика олдида турган вазифаларни ҳал қилиш учун яхши шароит яратмоқда.

1984 йилда миллий даромаднинг ялпи ижтимоий маҳсулотга нисбатан илдамроқ ўсиши таъминланди. Шу йилнинг тўрт ойида саноат маҳсулоти реализация қилиш плани ошириб бажарилди. Кўпгина министрликлар, идоралар, бирлашмалар, корхоналар ўз ишини яхшилади. Қишлоқ хўжалигида ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Коммунистларнинг активлиги, раҳбарларнинг, мутахассисларнинг ва бошқа хўжалик кадрларининг масъулияти ҳамда ташаббуси ўсди, меҳнат коллективларининг роли ошди.

Бу ютуқларда республика касаба союзларининг ҳам катта ҳиссаси бор, деб таъкидланди нотиқлар. Меҳнаткашларнинг ижодий активлигини ривожлантириш, коллективларнинг куч-ғайратларини план ва социалистик мажбуриятларни бажаришга сафарбар қилиш, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, одамларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилаш, тарбиявий ишни кучайтириш учун касаба союзлари кўп иш қилмоқда.

Партия касаба союзларининг кўп қиррали фаолиятини юксак қадрламоқда, ҳозирги шароитда уларнинг роли ва аҳамиятини ошириш йўлини муттасил ўтказиб келмоқда, касаба союзларини ўзининг халқ орасидаги ишончли таянчи деб, меҳнаткашларни давлат ва жамоат ишларини бошқаришга жалб этишнинг қудратли воситаси, деб билмоқда.

Ўтган олтмиш йил мобайнида республика касаба союзлари Ўзбекистон меҳнаткашларининг энг оммавий жамоат ташкилотларидан бири бўлиб қолди. Касаба союзлари партия ташкилотлари раҳбарлигида социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, ижтимоий муносабатлар системасини такомиллаштириш, одамларнинг моддий турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлилар иттифоқини, социалистик Ватан халқларининг дўстлигини мустаҳкамлаш учун умумхалқ курашида актив қатнашмоқда.

Партия бутун халқнинг ғайрат-шижоати ва куч-қувватини халқ хўжалигини интенсивлаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, иш сифатини яхшилаш, иқтисод ва тежамкорлик соҳасидаги ишини тубдан яхшилаш зарурлигини нотиқлар таъкидлаб ўтишди. Касаба союзлари социалистик мусобақани ташкил қилиш нишда, айниқса, катта имкониятларга эгадир.

Ярим аср муқаддам мамлакатда зарбдорлик ҳаракати ғолибона юриш бошлаган эди. Ўша пайтда Алексей Стаханов бригадаси бошлаб берган ижодий, фидокорона ишлашдан, тобора янги, тобора юксак марраларга эришишдан иборат бўлган бу анъана минглаб меҳнат коллективлари учун норма бўлиб қолмоқда. Республиканинг 30 мингдан кўпроқ меҳнаткаши ҳозиргача беш йиллик топшириғини бажариб бўлганлиги қувончлидир. Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «КПСС XXVII съездига 27 зарбдор ўн кунлик» шиори остида съездолди вахтасини бошлашга даъват этган 18 нафар ишлаб чиқариш илғорининг ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади. Бу даъват барча меҳнат коллективларида астойдил қўллаб-қувватланди.

Шу билан бирга, илғорларнинг бу тажрибаси ҳали сust оммалашаётганлиги, бу жонли, ижодий ишга расмиятчилик билан қараш ҳамон халос бўлинмаганлиги пленумда уқтириб ўтилди. Мусобақадошларнинг кўп куч-ғайратлари, асосан, миқдор кўрсаткичларини таъминлашга қаратилмоқда. Самарадорлик билан меҳнат қилмаётган коллективлар ва ходимлар мусобақа ташкилотчиларининг диққат-марказидан четда қолмоқда.

Касаба союз советлари ва комитетлари, барча касаба союз ташкилотлари социалистик мусобақанинг кўп жиҳатларига янгича назар ташлашлари, унинг қатнашчиларининг пировард сифат натижаларини қўзлайдиган бўлишига эришишлари зарур. Аниқ меҳнат маромини таъминлаш ҳам, шартномавий мажбуриятларнинг ўз вақтида бажарилиши ва маҳсулот сифатининг юқори бўлиши ҳам, янги техниканинг жорий этилиши ва ўзлаштирилиши ҳам, иш вақтининг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиш ҳам мана шулар жумласига киради.

Мусобақада, аввало, бригада пудрати кенг жорий этилган коллективлар муваффақиятга эришаётганликларини турмуш кўрсатиб турибди. Меҳнатни ташкил қилишнинг бригада формаси ўсишнинг жадал суръатларига катта таъсир ўтказиши, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириши, ишчиларга бўлган эҳтиёжни камайтириши, интизомни, коллективдаги ўзаро талабчанлик ва ўзаро ёрдамни мустаҳкамлаши, бутун маънавий психологик муҳитни яхшилаши жуда муҳимдир.

Фан-техника тараққиётини анча жадаллаштириш иқтисодий ва социал ривожланиш суръатларини оширишда туб бурилишга эришиш имконини берадиган ҳал қилувчи бўғиндир. У ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳаларига кириб бориши, одамларнинг меҳнатини тежаши ва енгиллаштириши, меҳнатни тобора унумли ва осон қилиш лозим. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида мавжуд потенциалдан тўла-тўкис фойдаланишга эришиш, асосий ишлаб чиқариш фондларининг янгиланишини, ишлаб чиқаришни техникавий жиҳатдан такомиллаштиришнинг ҳамма резервларидан фойдаланишни таъминлаш вазифаси қўйилди, бу вазифа XX пленумда яна таъкидлаб ўтилди. Мана шу кўп соҳали ва кенг миқёсли вазифаларни ҳал этишда ҳам касаба союзлари, меҳнаткашларнинг техникавий ижодкорлиги ўз ролини ўйнаши лозим, дейилди пленумда.

Партия ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомини ошириш масалаларини биринчи даражали масалалар қаторига қўймоқда. Бу соҳада партия, совет, комсомол, хўжалик органлари билан бирга касаба союзлари ҳам ўз ишини кучайтиришга эришиши лозим.

Афсуски, айрим ходимлар буни қунт билан кун сайин қилинадиган меҳнат деб эмас, қисқа муддатли кампания деб ҳисобладилар. Ҳолбуки, бултур фақат иш вақтининг зое ўтиши орқасидагина саноат 100 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулотни беролмади.

Иш самарадорлиги ва сифатини ошириш учун кураш ҳар бир меҳнат коллективига, ҳар бир касаба союз ташкилотига нисбатан юксак талаблар қўяди. Бу ўринда гап план ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилмаслиги, меҳнат ва материал ресурсларидан оқилона фойдаланилмаслиги, асбоб-ускуналарнинг бекор туриши сингари интизомсизлик ҳолларини қатъият билан тугатиш ҳақида бормоқда.

Социалистик меҳнат интизоми — ички меҳнат тартиби қоидаларига қатъий риоя қилишдагина иборат бўлиб қолмай, шу билан бирга, аввало, ўз ишига онгли, ижодий муносабатда бўлишдан, ишнинг юқори сифатини таъминлашдан, вақтнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланишдан иборатдир.

Социалистик принциплардан четга чиқиш ҳолларини турли-туман салбий ҳодисалар йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйиш, меҳнат қилмай даромад олиш манбаларининг ҳамма йўлини беркитиб қўйиб, айни вақтда ҳалол меҳнат учун моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг ролини ошириш керак, деб таъкидлашди пленум қатнашчилари.

Ички ликбозликка қарши курашга алоҳида эътибор бериш лозим. КПСС Марказий Комитетининг «Ички ликбозлик ва алкоголизмни бартараф этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида таъкидланганидек, бу вазифа зўр социал моҳиятга эгадир.

Шу боисдан ҳам меҳнат, ишлаб чиқариш интизомини ва жамоат тартибини мустаҳкамлашнинг зарур шарти бўлмиш алкоголизмга қарши иш биринчи ўринга чиқариб қўйилмоқда. Шу ишга чинакам оммавий, умумхалқ ҳаракати тусини бериш, ҳар бир меҳнат коллективида ички ликбозликка нисбатан, социалистик турмуш қоидаларини ҳар қандай бузиш ҳолларига нисбатан муросасизлик вазиятини вужудга келтириш лозим.

Меҳнат аҳлининг манфаатлари посбонлигида туриш, унинг талаб ва эҳтиёжлари ҳақида ғамхўрлик қилиш — касаба союзларининг бош вазифаларидан биридир. Бу соҳада касаба союзларининг қиладиган ишлари жуда кўп.

Касаба союзларининг анчагина вазифалари бор ва бу вазифаларнинг ҳаммаси ҳам муҳим. Бу вазифаларни турмушга тадбиқ этиш учун иш услуби ва методларини доимо такомиллаштириш, ташаббускорлик билан ижодий ишлаш, касаба союз кадрлари ва активларини тарбиялаш ҳамда ўқитиш масалаларини доимо диққат марказида тутиш, топширилган иш учун уларнинг масъулиятини ошириш керак.

Касаба союзларининг кучи — партия раҳбарлигидадир. Улар ўзларининг бутун фаолиятида партия ташкилотларининг ёрдами ва мададига таянишлари лозим.

КПСС XXVII съездини меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб олиш, республиканинг Ватан қудратини мустаҳкамлашга қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш — бизнинг ватанпарварлик, интернационал бурчимиздир, деб айтишди пленум қатнашчилари.

Пленумда иттифоқдош республикалар касаба союз ташкилотларининг, меҳнаткашлар бир қанча коллективларининг вакиллари табрик нутқи сўзладилар. Улар Ўзбекистон касаба союз ташкилотларига ишда, съездолди социалистик мусобақасини кенг авж олдиришда янги муваффақиятлар тиладилар.

Юбилей пленумининг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига баланд руҳ билан табрикнома йўлладилар.

Юбилей пленумида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Р. Ҳ. Абдуллаева, В. П. Анишчев, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. К. Михайлов, Ҳ. А. Шоғазатов, В. А. Головин, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. А. Аҳмедов, В. Г. Духанин, Ғ. З. Заҳириддинов, Б. Р. Раҳимов, С. У. Султонова, А. Р. Хўжаев қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев Германия Социал-демократик партиясининг раиси, Социалистик интернационал раиси В. Брандтни 27 май куни Кремлда қабул қилди.

Дунёда ва Европа қитъасида ҳозир вужудга келган вазиятга тааллуқли кўпгина масалалар батафсил муҳокама қилинди. 70-йилларда эҳр куч-ғайрат сарфланиши, ҳамжиҳатликка бўлган ҳалол хоҳиш-ирода натижасида турли давлатлар ўртасидаги, умуман, Ғарб билан Шарқ ўртасидаги муносабатларни йўлга қўйиш ва соғломлаштиришда муҳим силжишга эришишга муваффақ бўлинганлиги қайд этиб ўтилди.

Суҳбатда: совет томонидан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари А. М. Александров ва В. В. Загладин; ГФР томонидан — ГСДП правлениеси президиумининг аъзолари Э. Бар ва Г. Кошник, ГСДП правлениесининг аъзоси Б. Энгхольм, бундестагда ГСДП фракциясининг аъзоси Д. Штоббе иштирок этдилар.

● Наманган область партия комитетининг кеча бўлиб ўтган пленумида КПСС Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумининг якунлари ва область партия ташкилотининг КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш борасидаги вазифалари муҳокама қилинди.

Докладчи — область партия комитетининг биринчи секретари Н. Р. Ражабов ва сўзга чиққан нотиқлар уюшқоқлик, ҳамма жойда интизом ва тартибни мустаҳкамлаш, кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш, фан-техникани, ҳамма меҳнатни ташкил этишнинг илғор формаларини жорий этиш, социал ва иқтисодий ривожланиш вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш учун курашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзоси О. У. Салимов нутқ сўзлади.

ВИЗИТ ТУГАДИ

ФРУНЗЕ, 26 май. (ТАСС). Ҳиндистон Республикасининг Бош министри Р. Ганди Совет Иттифоқи бўйлаб сафарини тамомлатанидан кейин, бугун Фрунзедан Деҳлига жўнаб кетди. У совет раҳбарларининг таклифига мувофиқ расмий дўстлик визити билан мамлакатимизга келган эди.

ИШОНЧ ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ УЧУН

СССР Олий Советининг таклифига биноан Совет Иттифоқига келган Туркия Буюк халқ мажлисининг раиси Ҳажмиддин Қорадуман бошчилигидаги мажлис делегацияси Ўзбекистон билан танишиб чиқди.

Туркия парламентининг аъзолари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов ҳузурида бўлдилар. Бўлиб ўтган дўстона суҳбатда улар қардош совет халқларининг ягона оиласида узлуксиз ривожланаётган республикадаги хўжалик ва маданий қурилиш қандай давом этаётганлиги билан, Ўзбекистонни иқтисодий ва социал ривожлантириш истиқболлари билан таништирилди.

Меҳмонлар Ўзбекистонда бўлган вақтларида Тошкент, Самарқанд ва Бухоронинг диққатга сазовор жойларини, ноёб меъморчилик ёдгорликларини ва янги қурилишларини кўздан кечирдилар, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрдилар. Туркия парламентининг вакиллари Тошкент давлат университети муаллимлари ва студентлари билан учрашдилар, Янгийўл районидаги Ленин номли колхозга сафар қилиб, кўп тармоқли хўжалик меҳнатчиларининг иш ва турмуш шароитлари билан танишдилар.

27 май куни делегация Тошкентдан Москвага жўнаб кетди.

(ЎзТАГ).

ПАРТИЯ КОМИТЕТЛАРИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ АПРЕЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛМОҚДАЛАР

Партиявий раҳбарликни яхшилайлик

Куйбишев, Ленин, Собир Раҳимов, Сергели ва Фрунзе район партия комитетларининг пленумларида КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми якунлари ва партия XXVII съездига тайёргарлик бўйича район партия ташкилотларининг вазифалари муҳокама этилди.

Пленумларнинг қатнашчилари шуни таъкидлашдики, барча партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари ҳозир КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг унда қилган доклади сафарбар этувчилик таъсири остида яшаб, меҳнат қилмоқдалар. Улар Ленин партияси теварагида янада мустаҳкам жипслашмоқдалар. Она-Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, 1985 йил ва умуман беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш иштиёқи билан тўлиб-тошганлар.

Бўлиб ўтган пленумларда иқтисодий ва социал ҳаётни такомиллаштириш бўйича кенг миқёсдаги масалаларни ҳал этиш, экономика ва маданиятга партиявийлик раҳбарликни яхшилаш, кадрларга талабчанликни ошириш, интизомни мустаҳкамлаш, тартибни йўлга қўйишга асосий эътибор қаратилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми партия ва совет органларида кўп йил самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР халқ контроли комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Болтабой Қурбонбоевни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Хўжалик ва маданий қурилишда, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда актив қатнашганлиги учун ва ташкил этилганига 60 йил тўлиши муносабати билан **Ўзбекистон касаба союзлари** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. САЛИМОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри, 1985 йил 27 май.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА:

Тошкентдаги бадиий буюмлар фабрикаси комсомол комитетининг ташаббуси билан шу йил Москвада бўладиган жаҳон ёшлари ва студентлари фестивалига атаб комсомол ҳашари ўтказилди. Унда ёшлар муносиб меҳнат унумдорлигига эришиб берган ваъдалари устидан чиқишди. Ҳашарда 400 киши қатнашди. Унда ишланган меҳнат ҳақи фестиваль фондига ўтказилди.

●

«Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг станоксозлик махсус конструкторлик технологня бюроси тракторларнинг ҳар хил деталларини тайёрлайдиган пардозлаш-йўниш ускунасини ишга туширдилар. Бу техника бир неча хил юмушни бажаради. Натижада вақт кам сарфланади ва иш унуми ошади. Ускуна бир соат давомида 27 деталик ишлайди. Ундан бир йилда 43 минг сўм иқтисодий фойда олинади.

●

Собир Раҳимов районидаги 14-рельс пайвандлаш поездининг меҳнатсевар коллективи КПСС XXVII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб дастлабки ютуқни қўлга киритди. Коллектив шу ой учун берилган топшириқ— 26 километр узунликдаги рельсларни пайвандлаб ўрта Осиё темир йўли бошқармасининг турли бўлимларига жўнатди. Рельссозлар ой охиригн қадар яна бир неча юз метр рельсни пайвандлаб беришади.

●

Куйбишев районидаги 11-ҳунар-техника билим юртида Москвада бўладиган жаҳон ёшлари ва студентларининг XII фестивалига бағишлаб дўстлик учрашуви бўлиб ўтди. Унда шаҳримиз олий ўқув юртларида таълим олаётган Вьетнам, Лаос, Кампучия мамлакатларининг ёшлари сўзга чиқиб тенгдошларининг жаҳонда тинчлик ғалабаси учун олиб бораётган ишлари ҳақида гапирдилар.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 28 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 15—17, эртага кундузи 31—33 даража иссиқ бўлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари–ҳаётга

МАЖБУРИЯТЛАР ИЗИДАН

МУСОБАҚА ТАЪСИРЧАН ВА ҚАМРОВЛИ БЎЛСИН

УН БИРИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК НИНГ ЯКУНЛОВЧИ ЙИЛИ ВА БУТУН БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРИШ, КПСС XXVII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ УЧУН СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ КЕНГ ҚУЛОЧ ЙИДИРАЙЛИК.

БИЗ ФАН-ТЕХНИКА РЕВОЛЮЦИЯСИ ЮТУҚЛАРИДАН КЕНГ ҚЎЛАМДА ФОЙДАЛАНИБ, СОЦИАЛИСТИК ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ФОРМАЛАРИНИ ҲОЗИРГИ ШАРОИТЛАР ВА ТАЛАБ-ЭҲТИЁЖЛАРГА МУВОФИҚЛАШТИРИБ, СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ АНЧА ЖАДАЛЛАШТИРИШГА ЭРИШИШИМИЗ ЛОЗИМ. БОШҚА ЙЎЛНИНГ ЎЗИ ЙЎҚ.

(Ўртоқ М. С. Горбачёвнинг КПСС Марказий Комитети апрель (1985 йил) Пленумидаги докладидан).

РЕЗЕРВЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ

ОКТЯБРЬ ВА ЧИЛОНЗОР РАЙОНЛАРИ МУСОБАҚАСИ

Мусобақадош районларнинг коллективлари маҳсулот реализацияси ҳажми бўйича шу йилнинг январь-апрель ойлари учун белгиланган топшириқни муваффақиятли адо этдилар. Тошкент шаҳар статистика бошқармасининг маълумотларига қараганда бу кўрсаткич Чилонзор район саноатида 102,2 процентни, Октябрь районида 102,9 процентни ташкил этди. Натижада планга қўшимча равишда 824 ва 2.359 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми Чилонзор районида 101 процентни, Октябрь районида 102,4 процентни ташкил этди. Товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан) 107,1 ва 103,5 процентга тенг бўлди.

Меҳнат унумдорлиги бўйича планни Чилонзор райони 101,4 процент, Октябрь райони 102,2 процент бажарди. Бунда меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳисобига товар маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши 66,2 ва 100 процентни ташкил этди.

Мусобақадош районлардаги корхоналар ўртасида товар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 8 ва ундан кўпроқ процент ўсишига эришган корхоналар орасида «Ташгазэнергоремонт» корхонаси, «Ташкентхлеб» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Узбитпластик» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажриба заводи (Чилонзор райони), «Матбуот» полиграфия бирлашмаси (Октябрь райони) каби корхоналар бор.

Чилонзор районида меҳнат унумдорлигини планга қўшимча бир процент ўстириш ва маҳсулот таннархини қўшимча 0,5 процент арзонлаштириш бўйича социалистик мажбуриятларини бажарган корхоналар орасида «Промсвязь» заводи, «Узбитпластик» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажриба заводи, «Ташгазэнергоремонт» корхонаси, Октябрь районида эса «Средазэнергоцветмет», «Матбуот» полиграфия, «Ташкентпиво» бирлашмалари бор.

Бироқ баъзи бир техник-иқтисодий кўрсаткичларни ҳамма корхоналар бажарди, деб бўлмайди. Меҳнат унумдорлигини планга қўшимча бир процент ўстириш бўйича олган мажбуриятларини «Главташкентстрой»нинг авторемонт заводи, электр рўзғор буюмлари заводи (Чилонзор райони), 1-босмахона, озиқ-овқат саноати министрлигининг тажриба-техника заводи, кўн-мўйна заводи (Октябрь райони) каби корхоналар бажармадилар. Таннархни қўшимча 0,5 процент арзонлаштириш бўйича мажбуриятларини Чилонзор районида Тошкент шаҳар ижроия комитетининг саноат корхоналари комбинати, трикотаж буюмлари, Модалар уйи, Октябрь районида эса уйда ишлаш фабрикаси, 4-темир-бетон буюмлари заводи, қўлёзмалар институтининг босмахонаси коллективлари уддалай олмади.

Бир қатор корхоналар (шартнома бўйича маҳсулот етказиб беришни ҳисобга олганда) реализация ҳажми бўйича планни бажармади. Булар орасида Чилонзор районида 2-пойафзал фабрикаси, Октябрь районида «Малика» трикотаж бирлашмаси, енгил саноат министрлигининг тикувчилик бирлашмаси, кўн-галантерея буюмлари ва спорт товарлари, 1-босмахона каби бирлашмалар бор.

Кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўйича план Чилонзор районида 100 процент, Октябрь районида 102,2 процент адо этилди. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан) 6,4 ва 5,1 процент юксалди. Кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўйича топшириқни Ўзбекистон кўрлар жамиятининг 1-ишлаб чиқариш комбинати, электр рўзғор буюмлари заводи (Чилонзор райони), 10-босмахона, 4-темир-бетон буюмлари заводи (Октябрь райони) уддалаша олмади.



Октябрь ва Чилонзор районлари саноат корхоналари коллективларини анча вақтлардан бери ўзаро мусобақалашиб келишади. Дўстларнинг тажрибаси ўз ҳамтоларига танқидий назар билан қарашга, энг илғор тажрибаларни қабул қилишга ва ишлаб чиқаришда жорий этишга ёрдам беряпти.

СУРАТДА: бадиий бўюмлар фабрикасининг попоп цехидаги А. Мамарасулова бошлиқ бригада коллективидаги мусобақада кўпинча пешқадамлик қиляпти. М. Нурмуҳамедов фотоси.

• Қолоқларни маълум қиламиз

ҚОҒОЗДА ҚОЛГАН РЕЖАЛАР

Тошкент агрегат заводи ўн биринчи беш йиллиқнинг якунловчи йилларида шаҳарнинг 17 корхонаси қаторида товар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича планни бажармади. Комплектловчи буюмлар бўйича қолоқлик 180 минг сўмликни ташкил этди.

Бу республика пойтахтининг йирик заводларидан бўлган мазкур корхона учун кўнгилсиз ҳолдир. Шу билан бирга, Тошкент мамлакатимизда пахтачиликка мўлжалланган тракторлар, пахта комбайнлари ва «оқ олтин» етиштиришда ишлатиладиган бошқа техника воситаларини тайёрлаб берувчи марказдир. Бу демак, шаҳар корхоналари агрегат заводидан ўнлаб олдинги ва орқа мостларни, редукторларни, эҳтиёт қисмларни олмадилар.

Хулоса чиқаришга шошилмайлик. Яна бир кўрсаткични келтириб ўтамиз. Маҳсулот реализация қилиш бўйича топшириқни (шартнома бўйича маҳсулот етказиб беришни ҳисобга олганда) агрегат заводи 22 минг сўмликка ортиғи билан бажарди. Бу икки рақамни қиёслаш ғалати туюлади. Эҳтимол, корхона экскаватор заводининг аччиқ тажрибасидан сабоқ олгандир. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида қаттиқ танқид қилинган бу корхона планни фақат қоғозда бажаришга одат қилганди. Машинасозлар бундай қилишмади, албатта.

Масала билан яқиндан танишганда юз берган аҳвол сабабларини билиш мумкин. Биринчи, ва ҳеч шак-шубҳасиз, асосий сабаблардан бири шундаки, корхона плани таъминот планига мувофиқ келмайди. Жумладан, агрегат заводи бевосита итоат этадиган Бутуниттифоқ «Союзмашхлопко в о дство» ишлаб чиқариш бирлашмаси ўтган йилнинг декабрь ойида корхонага 1985 йил учун 34.710 минг сўмлик ҳажмида топшириқ берганди. Бирлашма мутахассислари ишлаб чиқаришнинг йиллик ўсишини назарда тутдилар. Лекин бунда бошқа нарсани — мижозлар эҳтиёжини ўйлашмади. Масалан, «Ташхимсельмаш»га йилига 2 минг редуктор етарли бўлганида 5 мингта планлаштириш зарурмиди? Бунинг устига агрегатчилар кооперация билан ишлашади, яъни буюмлар учун фондли материалларни тайёр маҳсулотни оладиган кишилар етказиб бериши керак. Лекин «Союзмашхлопков о дство»нинг планга қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича яхши ниятлари моддий жиҳатдан мустаҳкамланмади. Натижада иложсиз аҳволда қолганлигини, заводга ёрдам беролмаслигини билган бирлашма шу йилнинг март ойида дастлабки планни 600 (!) минг сўмга камайтирди. Корхона меҳнат унумдорлигини белгиланган даражада сақлаш, иш ҳақи фондини совуриб юбормаслик учун 40 кишини қисқартиришга мажбур бўлди.

Афтидан «Союзмашхлопководство» бирлашмаси ҳамма нарса ташқи жиҳатдан рисоладагидек бўлишга, министрлик олдида чиройли ҳисобот бериш имкониятига эътибор бериб, бу йил агрегат заводи иқтисодий эксперимент шароитида ишлаши лозимлигини унутиб қўйганга ўхшайди. Таъминотни ҳисобга олган ҳолда буюмлар реализация қилиш плани, чекланган харажатлар, иш ҳақи нормативлари асосий кўрсаткичлар бўлиши лозим бўлган шароитда, нега корхонага маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми планлаштирилди? Корхона мустақилликка эга бўлмади ва натижада қимматли ташаббус таг-туги билан йўққа чиқарилди. «Ташсельмаш» заводида 700 та пахта териш комбайни ишлаб чиқаришдан олиб ташланди. Улар учун редукторлар эса ҳамон агрегатчилар планида турибди.

Афсуски, коллектив фақат ўз истеъмолчиларигагина боғлиқ эмас. Бир қатор корхоналар унга турли хил деталлар ва заготовкалар етказиб беради. Бу борада агрегатчиларни уларнинг яқин қўшнилари Тошкент экскаватор заводи коллективи кўп ранжитяпти. Шартнома бўйича бу коллектив ҳар ойда тракторнинг орқа мости учун 1440 та комплект кожух пўлат қуймаларини тайёрлаб бериши лозим.

Ҳисоботларга қарағанда экскаваторчилар ўз ваъдаларини бажаришяпти. Лекин бу ерда гап сифат ҳақида боряпти. Шу йилнинг тўрт ойи мобайнида олинган 6 минг комплект деталдан 514 таси тўла брак бўлди. Қолган кожухларни эпақага келтириш учун ишчилар 4—5 тадан операцияни бажаришяпти.

Лекин ҳамма айбни шерикларга ағдариш ҳам тўғри бўлмайди. Агрегатчиларнинг ички нуқсонлари ҳам талайгинаки, бу ишга халақит беряпти. Корхонада технологик интизом, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилишини кўнгилдагидек деб бўлмайди. Бу ерда ҳали ой бошидаги сусткашлик ва ой охиридаги штурмчиликка барҳам берилган эмас. Ишлаб чиқариш интизоми бўш, кадрлар кўнимсизлиги юқори, ичкиликбозлик ва прогулчиликка қарши қатъий кураш олиб борилмаяпти.

Бу масалаларга ҳали завод партия ташкилоти яхши эътибор бергани йўқ.

Юзага келган аҳволни тузатиш учун коллектив кўп куч ва ғайрат сарфлаши, ўз навбатида шериклар ишга бўлган масъулиятни кучайтиришлари лозим. Лекин кўп нарса Бутуниттифоқ «Союзмашхлопководство» ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарларига боғлиқ. Ишлаб чиқариш планлари маҳсулот реализацияси планларига мувофиқ келиши ва моддий асосланган бўлиши лозим. Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленуми талаблари, социалистик экономика тараққиёти қонунлари шуни тақозо этади.

Агрегат заводи меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми қарорларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришни интенсивлашни ошириш, янги техникани жорий этиш, барча технологик ускуналарнинг тўла ишлашини таъминлаш учун кўп иш қилишлари лозим. Ана шундагина муваффақиятларга эришиш ва ўн биринчи беш йилликни яхши якунлаб, партия XXVII съездини муносиб кутиб олиш мумкин.

С. ВЛАДИМИРОВ.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

СИФАТ УЧУН КУРАШ

УЛАН-БАТОР. Улан-Батордаги Камволь мовут фабрикасининг донгдор тўқувчиси, МХР Меҳнат Қаҳрамони Б. Гунжилам тажрибаси Монголия енгил саноати ишчи хотин-қизларн ўртасида кенг тарқалмоқда. У мамлакатда биринчи бўлиб ўз бригадасида ягона наряд асосида меҳнат қилиш системасини жорий этиб, ишлаб чиқариш чиқитларини кўп даражада камайтиришга, ҳар бир иш дақиқасини тежашга, фақат олий сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга даъват этди.

Б. Гунжилам даъватини МХР халқ хўжалигн турлн тармоқларида меҳнат қилаётган қарийб 25 минг хотин-қиз қўллаб-қувватлади. Б. Гунжилам методи асосида ишлашга интилиш беш йиллик план-топшириқларини муддатидан барвақт адо этиш учун оммавий ҳаракатда намоён бўлмоқда. Масалан, Булган аймоғидагн маиший хизмат комбинатининг тикувчисн Ш. Долгор ҳозиргн беш йилликда пландан ташқари бир неча минг жуфт биринчн сорт пойафзал тикиб чиқарди. Комбинатнинг ёш меҳнатчилари ундан меҳнатнинг илғор усулларини, газламан оқилона бичишни, иш вақтини қаттиқ тежашни ўрганмоқдалар. У бошчилик қилаётган бригаданинг барча аъзолари ишлаб чиқараётган маҳсулотга шахсий сифат тамғаси қўйилмоқда.

ВАРШАВАДА ХАЛҚАРО КИТОБ ЯРМАРКАСИ

ВАРШАВА. Бу ерда XXII Халқаро китоб ярмаркаси очилди. 25 мамлакатнинг 1100 фирма ва нашриёти ўзининг полиграфия маҳсулотини бу ерга олиб келди.

Совет ташқи савдо бирлашмаси — «Международная книга» тайёрлаган экспозиция катта муваффақият қозонмоқда. Унинг экспонатлари орасида совет нашриётларида босиб чиқарилган салкам 4 мингта янги китоб бор. Ижтимоий-сиёсий адабиётлар қўйилган стенд ёнида одамлар гавжум. Бу ерда марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, шу жумладан В. И. Ленин тўла асарлар тўпламининг поляк тилида босиб чиқарилган дастлабки беш томи ҳам бор. Бу нашрларни Совет Иттифоқидаги «Прогресс» нашриёти Польшанинг «Ксенжка и Ведза» нашриёти билан биргаликда амалга оширмоқда.

Польша Халқ Республикаси «Арс полона» ташқи савдо бирлашмасининг бош директори Я. Палач ТАСС мухбири билан суҳбатда бу йилги Варшава китоб ярмаркаси гитлерчилар фашизмини устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланганлигини таъкидлади. Шу шонли санага атаб чиқарилган Совет ва Польша нашриётларининг китоблари совет халқининг иккинчи жаҳон уруши йилларидаги қаҳрамонона кураши, гитлерчилар Германиясини тор-мор келтиришга СССР қўшган ҳал қилувчи ҳисса, Польша Халқ қўшинининг жанговар йўли ҳақида ҳикоя қилади. Совет Иттифоқи ва Польша нашриларининг биргаликдаги меҳнати, деб таъкидлади у, тинчлик ва социализм ишига, қардош мамлакатлар халқларининг бузилмас дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ЯНА БИР МУНТАЗАМ АВИАЛИНИЯ

ВЕНА. Совет Иттифоқи билан Австрия ўртасида яна бир мунтазам авиация линияси ишга бошлади. Зальцбург аэропортига Совет Украинаси пойтахти Киевдан аэрофлотнинг 154 самолёти қўнди. Шу тариқа ҳар икки шаҳар ўртасида мунтазам рейсларга асос солинди. Ҳафтада бир марта рейс бўлади.

Совет Иттифоқи билан Австрия ўртасида ҳаво алоқаси тўғрисидаги дастлабки битим 1955 йилда тузилган эди. Шундан буён ҳар икки мамлакат авиакомпанияларининг самолётлари Москва билан Вена ўртасида қатнамоқда. 1968 йилдан бошлаб аэрофлот самолётлари Киев билан Вена ўртасида қатнаб турибди.

Совет Иттифоқи билан Австрия ўртасида ҳаво орқали юк ва пассажир ташишнинг кенгайиши икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва туристик алоқаларнинг тобора ўсишида ўз ифодасини топмоқда.



АҚШ. Лос-Анджелес шаҳридаги ҳукумат бинолари қаршисига кўплаб америкаликлар Вашингтон ҳокимиятининг олиб бораётган снёсатига қарши норозилик митингига тўпландилар. Митинг қатнашчилари АҚШнинг Никарагуага нисбатан олиб бораётган агрессив снёсатини қоралаб чиқдилар.

СУРАТДА: Марказий Америкадаги АҚШ снёсатига қарши ўтказилган намойиш қатнашчиларини қамоққа олиш.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

БУДАПЕШТ. Будапешт метрополитен и н и н г узунлиги уч километр-дан кўпроқ бўлган янги участкаси қурила бошланди. Бу участка Арпад кўпрйги яқинидаги йирик транспорт узелини пойтахтдаги Уйпешт саноат райони билан боғлайди.

Будапешт метросининг зангори поездлари ҳозирнинг ўзидаёқ ҳар куни бир миллиондан кўпроқ пассажир, яъни пойтахтдаги бутун аҳолининг қарийб ярмини ташимоқда. 2000 йилгача бўлган давр учун ишлаб чиқилган ер ости магистраллари қурилиши планига мувофиқ шаҳар марказини саноат районлари билан боғлашга қарор қилинди. Метрополитен станциялари яқинида замонавий савдо марказлари барпо этилади.

Будапешт метроси Венгрия пойтахтидаги ва мамлакатнинг бошқа йирик шаҳарларидаги транспортни такомиллаштириш перспектив программаси доирасида кенгайтирилади. Келгусида шу шаҳарларнинг кўчаларида Венгриянинг «Икарус» замонавий автобуслари, СССР корхоналарининг маркаси бўлган янги троллейбуслар, Чехословакия трамвайлари пайдо бўлади.

* * *

ЖАЗОИР. Жазоир пойтахтида иккинчи миллий саноат ярмаркаси ўтказилди. Мамлакатдаги 250 корхона маҳсулоти намойиш қилинган павильонларни бир миллионга яқин киши келиб кўрди. ЖХДР ташқи савдо министрининг ўринбосари Муҳаммад Аберкан бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида ярмарка якунларини чиқариб, Африкадаги кўпгина давлатларнинг вакиллари Жазоир саноат маҳсулотига ғоят қизиқиб қараганликларини айтди. Буркина Фасо, Сенегал, Мали, Нигерияга турли хил моллар ва машина-ускуналарни экспорт қилиш тўғрисида битимлар тузилди. Ярмарка ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорини кўпайтириш ва сифатини ошириш йўлларини белгилаш имконини берди. Бу эса ЖХДРни саноат жиҳатидан ривожлантириш давлат сиёсатига мосдир.

* * *

БУДАПЕШТ. Бу ерда очилган Будапешт кўкламги халқаро ярмаркасига кўпгина мамлакатларнинг икки мингга яқин фирмаси ва ташқи савдо корхонаси ўз маҳсулотини тақдим этди. Анъанага кўра, Совет Иттифоқи ярмаркасининг энг катта қатнашчисидир. СССР экспозицияси 16 та йирик бирлашма маҳсулотидан иборат. Ярмарка тамошабинларга ва мутахассисларга социалистик мамлакатларнинг ҳамкорлиги билан яққол танишиш имконини беради. Унинг махсус бўлимлари ўзаро иқтисодий ёрдам кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар корхоналари ўртасидаги ихтисослашиш ва кооперация тўғрисида ҳикоя қилади.

* * *

ВЬЕНТЬЯН. Лаоснинг Луангпрабанг шаҳридаги олий педагогика билим юрти дастлабки студентларни қабул қилди. Пойтахт педагогика институтининг филиали бўлган бу билим юрти Лаоснинг шимолий вилоятларини малакали ўқитувчи кадрлар билан таъминлайдиган бўлади.

Республикада ўқитувчиларга бўлган талаб тез ошиб бормоқда. Бугунги кунда республика аҳолисининг ҳар саккизидан бири бошланғич ёки ўрта мактаб ўқувчисидир. Зарур билимларсиз, тайёргарликсиз янги ҳаёт барпо этиш вазифаларини ҳал қилиш қийин эканлигини мамлакат аҳолиси тушунади. Лаос халқ революцион партияси ва Лаос Халқ Демократик республикаси ҳукумати маориф масалаларига доимо эътибор бермоқдалар. Маориф ишига сарфланаётган маблағлар кўпайтирилмоқда, янги мактаблар ва билим юртлари қурилмоқда, етарли миқдорда дарсликлар чиқариш, ўқитиш сифатини ошириш масалалари жиддий қилиб қўйилган.

• Иш сифати ва самарадорлигини оширайлик

ЧЎЗИЛГАН АТТЕСТАЦИЯ

Иш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича шаҳар комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда К. Е. Ворошилов номли Днепропетровск комбайн заводи коллективининг иш жойларини аттестациялаш асосида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича иш тажрибасини жорий этиш ҳақоли ва унинг «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида амалга оширилиши масаласи қараб чиқилди.

Бирлашма хўжалик фаолиятини анализ қилиш шуни кўрсатяптики, 1984 йилнинг декабрь ойидан бошлаб шу пайтгача Днепропетровск машинасозлари, «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» бирлашмасининг тажрибаси бўйича 449 иш жойи аттестация қилинди. Бу аттестация учун белгиланган иш жойлари умумий миқдорининг 20 процентини ташкил этади. Амалга оширилган иш шу йилнинг биринчи квартали мобайнида талаб қилинган меҳнат шароитига мос бўлмаганлиги учун 16 иш жойини қисқартирди ва 48 кишини ишдан озод қилиш имконини берди.

Шу билан бирга «Средазкабель» бирлашмасида бу масалада талайгина камчилик ва нуқсонлар бор. Корхонада аттестация жараёнида шу кун талабларига жавоб бермайдиган иш жойлари аниқланди. Уларни зарур ташкилий-техник даражага келтириш учун 215 тадбир белгиланди. Бироқ улар ҳамон марказий аттестация комиссияси томонидан қараб чиқилмади ва «Средазкабель» раҳбарлари томонидан тасдиқланмади.

Барча цехлар аттестациядан тўла қамраб олинмаганлиги, қониқарсиз меҳнат шароити ва бирлашманинг айрим ишлаб чиқариш бўлинмаларида (тара цехида, 3-цехнинг резина тайёрлаш участкасида, 1-цехнинг сим ўраш участкасида) бинолар мосланмаганлиги, шунингдек ёрдамчи цехларнинг иш жойларида (транспорт-омборхона, автотранспорт, ремонт-қурилиш, маиший хизматда) аттестация методикаси йўқлиги билан изоҳланадн.

Иш жойларини аттестациялашга халақит бераётган сабаблардан бири НОТнинг янги тармоқ типовой лойиҳаларн ва хариталари йўқлигидир. Уларни электротехника саноати министрлигининг илмий-тадқиқот институти тайёрлаб бериши керак эди. Биринчи навбатда у бирлашма базасида ташкил этилган Ташкент кабель саноати илмий-тадқиқот институтига даҳлдор. Бундан ташқари корхона маҳсулот сифатини комплекс бошқариш системаси аттестация хизмати нормативтехник ҳужжатларини тайёрлашни ўзидан соқит қиляпти.

Партия ташкилоти бу муҳим ишда етарли иш олиб бормаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Аттестация бошланганидан бери ўтган даврда ушбу масала бирлашма партия комитети мажлисида муҳокама қилинмади.

«Средазкабель» да аниқланган камчиликлар шунга олиб келдики, бу ерда маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ва меҳнат унумдорлиги ўсиш суръати ишлаб чиқаришни интенсивлаш бўйича КПСС Марказий Комитети апрель (1985 йил) Пленумида совет халқи олдига қўйилган вазифаларга мувофиқ эмас ва ўнинчи беш йиллик кўрсаткичларидан анча орқада.

Иш самарадорлиги ва сифати бўйича шаҳар комиссияси мажлисида Узбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети секретари С. М. Юсупов якунловчи нутқ сўзлади.

Комиссия мажлисида тегишли тавсиялар тайёрланди. Булар нуқсонларни бартараф этиш ва «Средазкабель» бирлашмасида иш жойларини аттестациялаш асосида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган.

В. ЛИ,
иш самарадорлиги ва сифатини ошириш бўйича шаҳар комиссиясининг масъул секретари.

В. СЕРГЕЕВ,
«Тошкент оқшоми» мухбири.

2 Тошкент вет. оқшоми
28 МАЙ, 1985 й.

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР

• Ҳикмат — бир ҳовуч олтин

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

● Она муҳаббатидан муқаддасроқ ва беғаразроқ ҳеч нарса йўқ; ҳар қандай меҳр-муҳаббат, ҳар қандай эҳтирос унга нисбатан ё ожиз, ё ғаразлидир.

В. Г. БЕЛИНСКИЙ.

● Ўз фарзандларини бахтли қилишга интилувчи меҳрибон она кўп ҳолларда ўзининг тор қарашлари, қалтабин мўлжалларидан, кераксиз ғамхўрлик ва меҳрибонликлари билан уларнинг кўл-оёғини боғлаб қўяди.

Д. И. ПИСАРЕВ.

● Сен болаликдан она кўзларига боқиб, улардаги ташвиш ва ҳаловатни, тинчлик ва ҳаяжонни кўришга ўрганмаган экансан — бир умрга ахлоқий жиҳатдан ногирон бўлиб қоласан. Севгидаги ёввойилик синғари ахлоқий ногиронлик ҳам кишилар бошига кулфат, жамиятга зарар келтиради.

В. А. СУХОМЛИНСКИЙ.

● Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.

А. НАВОИЙ.

● Аёл — буюк сўз. Унда қизлик мусаффолиги, дўстга хос фидойилик, она жасорати мужассамлашган.

Н. А. НЕКРАСОВ.

● Аёл севгисидан мусаффо бўлмаган, унинг мардлигидан мадад олмаган ҳамда камтарона йўриғига юрмаган одам ҳақиқий ҳаёт кечирмаган ҳисоб.

Ж. РЕСКИН.

● Аёлларни севинг ва иззат қилинг, улардан фақат юпанч эмас, балки илҳомингизга куч, маънавий ва ахлоқий қобилиятларингизни икки баравар оширувчи қудрат ахтаринг.

Ж. МАДЗИНИ.

● Болаларни ўстириш ва тарбиялаш катта жиддий ва ҳаддан ташқари масъулиятли ишдир.

А. С. МАКАРЕНКО.



Чеҳрасидан нур ёғилиб турган муаллима китобга ташналик билан талпиниб турган ўқувчиларга нималар деяпти экан!! Балки «Китоб — билим манбаи» дея болаларнинг бир жумбоқ саволига жавоб топиб бераётгандир. Йиллар ўтар, лекин муаллима болалар қалбида ёққан чироқ ҳамиша порлаб тураверади...

Собир Раҳимов районидаги 28-мактабнинг тажрибали ўқитувчиси Санобар Хўжаева ҳам ўз ўқувчиларининг катта ҳаёт йўли порлоқ бўлишини истайди.

Бахтли онларнни қадрлайлик

БИРИНЧИ УЧРАШУВ

(Бўлган воқеа)

Инқилоб ҳиёбони. Кимдир ишга, кимдир ўқишга шошиб бораяпти. Шулар қатори икки дугона ҳам, ўқишга шошиб кетишар эди. Улар ўзаро суҳбатлашиб борардилар.

— Бугун химия фанидан қайси тема сўраладиғ — деб сўради Нигора дугонасидан.

— «Учинчи группа элементлари» темаси бўйича контроль иш бўлади, — дея жавоб берди Мухлиса.

Икки бегона йигит қизлар суҳбатини тинглаб борардн. Йигитлардан бири Мухлисани кузатиб борарди. Бир неча дақиқадан сўнг Мухлисанинг кўзи йигитнинг кўзига тушди. Кўзлар тўқнашди. Мухлиса уялиб, кўзини олиб қочди. Қизлар бекатга етишгач, троллейбусга чиқиб кетишди. Йигитлар ҳам ўз йўлларида давом этишди.

Лекин, бу учрашув Мухлиса учун энг бахтли он ҳисобланади. У ҳамон ўша бир дақиқали учрашувни ширин ҳаёл билан эслайди. Чунки, шу онлардан бошлаб унинг қалбида севги куртак ёза бошлаган эди.

М. АКРОМОВА.

● АЁЛЛАР, СИЗЛАР УЧУН

ЭМИЗИКЛИ ОНА ОВҚАТИ

Эмизикли оналар овқатланиши қандай бўлиши керак!

Лобар ИСМАТОВА,
ёш она.

Эмизикли она ҳомиладорлик вақтидагига қараганда бир мунча кўпроқ овқат ейиши керак. Рациондаги калория миқдори 1000 калорияга оширилиши, оқсил миқдори камида 120 граммни, жумладан ҳайвон оқсили 80 граммни ташкил этиши лозим.

Ичиладиган сутни бир ярим литргача ошириш, тухум, сарнёғ, пишлоқ, сабзавот, меваларни кўпроқ еб туриши (бунда боланинг овқат ҳазм қилишига зарарли маҳсулотлардан воз кечиши) керак.

Эмизикли аёл ўз вазнига ҳам қараб бориши, яъни кўзи ёрингандан кейинги иккинчи ойнинг охирларига келганда аёл вазни бўйида бўлмасдан олдингги оғирлигига тенглашиши ва бутун эмизикли даврида бу вазн ўзгармай қолиши керак.

• Меҳнатинг — зийнатинг

МУРАББИЙ

Вазира опани Тошкентдаги металлни қайта ишлаш бирлашмаси ёшлари мураббий, меҳрибон аёл сифатида ҳурмат қилишади.

У ўзининг меҳнатсеварлиги билан бир қаторда ташкилотчилик фаолияти билан ҳам корхона равнақи йўлида доимо жон куйдиради. Унинг ташкилотчилиги, жонбозлигини ҳисобга олиб коллектив бир неча бор район, шаҳар Советларига депутат қилиб сайлаган.

Мана, салкам 20 йилдирки, у бирлашма патнис цехида бўёқчи бўлиб ишламоқда.

— Мен бирлашмамиз хотин-қизларининг самарали меҳнатини кўриб, шу жойда ишлаётганимдан фахрланиб кетаман, — дейди коммунист В. Зоҳидова.

Меҳнатсевар аёлнинг ғайрат-шижоати ҳам шу кунларда бир мақсадга қаратилган. Бу мақсад — КПСС XXVII съезди арафасида меҳнатда янги зафарларга эришиб, ёруғ юз билан партияга ва ҳукуматга рапорт бериш истагидир.

Д. ҚИРҒИЗБОЕВ.



Фотима билан Зуҳра — мактабда, уйда ҳам бирга.
Ҳ. Мирзакаримов фотоэтюди.

ҚУЁШ БЎСАСИ

(Этюд)

Кенг ва ёруғ бўлса ҳам тартибсиз хонада икки одам боласи ҳўмрайишиб ўтирибди. Буларнинг бири — қайнона, бири эса унинг келини. Ҳозиргина арзимас нарса учун гап талашиб, ораларидан ола мушук ўтди.

Шу пайт эшик очилди-ю, алпон-талпон қилиб, дўмбиллаб гўдак кириб келди. Қайнонага набира, келинга ўғил.

Уларнинг жаҳлдан буришган юзларн оҳиста мулойимлашди. Лабларида гулдек табассум жилва қилди. Улар бирбирларн билан кўз уришгтириб олишди-ю, баробар болага қулоч очишди.

Набира бувисига ширин табассум қилиб, онасига боришни ҳам, бувисига боришни ҳам билмай, бир дақиқа иккиланиб қолди.

Қайнона ва келин бирбирлари томон қадам ташлаб, меҳр билан кўз уришгтириб олишди-ю, бир одам бўлиб, қучоқ очишиб ўғил кўш бағрига олишди.

О, гўдак бўсаси, сен қуёш ҳароратидек тенгсизсан! Оналар бағрида яйраниг, болалар!

Мавлуда ҚОСИМОВА.

ИСМИНГИЗДАН МАМНУНМИСИЗ?

ЯНГИ РУБРИКА:
• Газетхонлар таклиф этган мавзу

Сиз бунга нима дейсиз?

Исм ҳам чирой дейишади. Бунда чуқур маъно мужассамки, биз исмни умр бўйи жисмимиз ила кўтариб юрамиз. Устимиздаги либосимиз эскирса, ярашмаса бошқасига алмаштирамиз. Бироқ, исмни алмаштириш мураккаб. Фақат шаклан ўзгартириш мумкин. Ёшлигимизда эркалаб Қодиржон, Норқўзи ёки Бахтигул, Ширмоной десалар, қариганимизда иззат билан Қодирбува ёки Норбобо, Бахтибуви, Ширмонбувн дейдилар. Худди шундай номлар кишиларга ёшликда ҳам, қариганда ҳам холис хизмат қилади, эгасини улуғлаб туради.

Лекин, баъзан исм кишига ҳусн, чирой бўлиш ўрнига унн камситадиган, ҳатто таҳқирлайдиган ҳолларга дуч келишга тўғри келади. Ушбу мақола ёзилишига ҳам худди шундай ҳол сабаб бўлди. Мана редакцияга келган хатдан бир неча сатр: «Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг исмим Рақиба. Шу исмни 18 йилдан бери елкамда кўтариб юрибман. Ёшлигимда болалар исмимни айтиб кулги қилишарди, баъзилар гўғридан-тўғри масҳара қиларди. Мактабни битиргач, техникумга ўқишга кирдим. Яна кулги бўлмаслик учун курсдош қизларга ўзимни «Роҳиба» деб таништирдим. Эҳтиёти шарт учун ҳужжатларга исмим «Рақиба» деб нотўғри ёзилган, дедим. Кейин билсам янги исмим ҳам унчалик яхши маъно билдирмас экан. Ёшлигимда менга яхши исм қўйишмаганидан эзилиб юраман».

Бу қизнинг энг яқин кишилари учун ном қўяётганда ўзларини қийнамай, бирор қариндошларининг исмига оҳангдош қилиб, қизларига «Рақиба» деб ном қўйиб юборишган бўлса ажаб эмас. Сўз маъносига эътибор беришмаган. Натижада қизнинг исми ҳуси, оройиш, бир умрлик йўлдош эмас, чин маънода елкадан эзиб юрувчи «рақиб»га айланган.

Афсуски, бундай ҳодисаларга онда-сонда бўлса ҳам дуч келиб турибмиз. Чунончи, ушбу сатрлар авторн республикамизнинг турли жойларида қуйидаги каби ғаройиб исмли кишилар билан учрашган: Фироқ, Тавба, Таслима, Гадой, Ханжар, Тўппонча, Милтиқбой, Ялғаш, Чўянбой, Қорёғди, Хўроз, Ҳолвахон, Сотқинбой, Рухсатой, Жилов, Танқидбой, Емғирбой, Селбиби. Шу кишиларнинг кўпчилиги ўз номидан мамнун эмас экан. Отамиз ёки онамиз шу отни лозим кўришган экан нима ҳам дердик, дейишади баъзилари.

Шуниси қизиқки, юқоридаги каби аталган кишилар фарзандларига ном беришга ўта эҳтиётсизлик билан қарашади. Одатда чиройли, жарангдор исмларни танлашади. Бошдан ўтган табиб, дарднинг даъвосини ўшандан сўранг дейишлари бежиз эмаски, улар дағал ёки камситувчи номни кўтариб юриш осон эмаслигини ўзларида синаб кўришган.

Афсуски, ирим-сиримларга берилиб, ёки тор фикр, фақат ном берган кишининг ўзигагина тушунарли якка тушунча билан исм қўйиш одати ҳамон учраб турибди. Бунга юқоридаги Рақиба, шунингдек Фироқ, Ҳисом, Ҳолвахон, Тўқли, Чорн, Панжи, Таслималар мисол бўлади. Тўғри, Ҳолванн — Ҳолвахон, Тўқлини — Тўқлибой деб «пардозлашади». Лекин бу билан асл маъно ўзгармайдику! Бинобарин, Ҳисом — қилич, Тўқли — икки ёшли қўй, Чорн — тўрт ёшли қўй, Панжи — беш ёшли қўй деган маънони билдирар экан.

Бизнинг фикримизча, шундай исмларни қўйишга мойил кишилар аввало «Фарзандим улғайганда қўйилган ном унга манзур бўладими?» деб ўзларига савол бериб кўришлари керак. Тўғри, бундай кишилар ҳаммаёқ Шаҳло, Дурдона, Дилшод, Хуршид, Равшан бўлиб кетди, эскича отларни ҳам қўйиш керак деб эътироз билдиришлари мумкин. Биз ҳам қадимдан қўйилиб келган исмларга қарши эмасмиз. Аксинча замонамизга мос яхши номлар унутиб қолдирилаётганига афсусланамиз. Зеро, унутилаётган Асал ёки Гуласал, Ширмоной ёки Болбибн каби қадимий исмлар. Ҳолвадан ёмонми?! Ёки Олмосни олайлик. — Чўян ёки Темирдан афзал бўлса афзалки кам эмас. Шундай экан, туғилган фарзандга муносиб ном танлашда шошилмай, кўпчилик билан маслаҳатлашиб, гулзордаги гулдек сероб исмлардан энг сарасини танлаб олиш керак. Бунда иложи борича, камроқ қўйилаётганини танлаш лозим.

Кейинги пайтда кўпчилик ота-оналар фарзандларига исм қўйишга катта эътибор беришяпти. Исмларда халқимизнинг савияси, дунёқарашн ўсганлиги, замон руҳи тобора кўпроқ акс этяпти. Бахтиёр, Хуршид, Даврон, Ғайрат, Равшан, Саодат, Лобар, Нодир, Гулчеҳралар бунга мисол бўла олади. Айни пайтда, жарангдор, эътиборни тезроқ тортадиган, кишини улуғловчи ёки алоҳида сифатни таъкидловчи номлар ҳам кўпаймоқда. Масалан, ҳозир ҳар кўчада камида иккитадан Шаҳноза, Дурдона, Ақида, Феруза, Нозима, Гули, Шоҳиста, Дилдора, Музаффар, Сардор, Жаҳонгир, Шуҳратлар бор. Баҳодир, Нигора, Адиба, Юлдуз, Шоира, Дилафрўз, Сайёралар ҳам анчагина топилади.

Шунингдек, машҳур шахслар, ёзувчилар, шоирлар, рассомларнинг исмлари ёки таҳаллуслари билан аташ одат тусига киряпти. Истаган мактабга бориб, Алишерлар, Улуғбеклар, Беҳзодлар, Бобурлар, Ноднралар, Фурқатлар билан суҳбатлашишингиз мумкин. Бу ҳақда кулгили ҳикоялар ёзилди, радиода, телевизорда интермедиялар кўрсатилди. Бундай исмлар яхши истак билан қўйилади. Лекин бир кўчада тўртта Улуғбек копток тепиб юрганини кўрсангиз, бу ердагилар бошқа исмларни билишмасмикан деган хаёлга борасиз. Демак, ҳамма нарсада бўлганидек, келгусида улғайиб камол топувчи, ўзи ҳам ота, она ва ниҳоят бобо, момо бўлувчи ёш авлодга ном қўйишда меъёр бўлгани яхши.

Гражданлик ҳолати актларини ёзиш бўлимлари (ЗАГС)нинг ходимлари кўпинча қуйидаги каби ҳолларга ҳам дуч келишади. Бўлимга ҳовлиқиб ёш ота кириб келади. У биринчи фарзанди учун туғилганлик гувоҳномаси олиши керак. Гап исмни ёзишга бориб тақалади. Шунда ота: «Обиддин ёки Қивомиддин» бўлсин дейди. ЗАГС ходимаси: «Нега бундай атаяпсиз, бу сўзларнинг маъноси нима?» деса, ёш ота елка қисади ёки: «Исмим Нуриддин, оҳангдош бўлсин учун ўғлимнинг оти Обиддин бўлиши керак» дейди. Бундай усулда ном қўйиш бизнингча нотўғри. Қофияли, оҳангдош бўлсин деб дуч келган исмни қўймаслик керак.

Яна бир бошқа оталар авлодларида исмга хон, бек, бой, хўжа каби қўшимчалар қўшилиб келинганини, бундай қўшимча фарзандлар исмида ҳам бўлиши кераклигини талаб қилишади. Ваҳоланки, бундай қўшимчалар ҳозир эркалаш, ҳурматлаш маъносида қўлланилсада, аслида уларнинг кўпи социал тенгсизликни билдиргани, айримлари диний характердадир. Шундай экан, ирим-сиримларга, диний ақидаларга алоқадор қўшимчалар туғилиш гувоҳномасига ёзилмаслиги керак! Аксинча, ой, нур, биби, гул, бека каби кишини улуғловчи, эъзозловчи элементларни Аълонур, Моҳигул, Ширмоной каби исмларда бемалол ишлатавериш мумкин.

Болага ном қўйишда халқимизнинг энг эзгу орзу-умидлари, яхши ниятлари акс этади. Кичкинтойга ном қўйилар экан, унинг бахтли, ҳалол, зийрак, ғўзал, софдил, довюрак, мард бўлишига истак билдирилади. Худди шу истаклар исмларда ўз ифодасини топади. Ота ва онанинг ана шундай ҳоҳиширодаси фарзандга бир умр ҳамроҳ бўлиши учун ҳам исм жисмга, замонага монанд бўлмоғи, ўз эгасини ҳамиша улуғлаб, эъзозлаб турмоғи лозим.

Кейинги пайтда кам қўйилаётган кўплаб яхши исмлар борки, уларнинг айримларини эслатиб ўтиш жоиздир. Чунончи: Азамат, Асал, Аълонур, Байрам, Барчин, Бибинур, Бодом, Бўтақўз, Волида, Иноқ, Гуласал, Гулойим, Гулруҳсор, Дадил, Дилёр, Жўшқин, Замон, Мардон, Моҳисарa, Норқўзи, Оймомол, Олмос, Саври, Садбарг, Садаф, Умрзоқ, Чаман, Чарос, Чевар, Шодмон, Ширмоной, Ўктам, Эрйигит, Эштемир, Қорасоч, Қуёш, Қутлуғ, Хумоюн, Ҳури. Бу рўйхатни давом эттириш — қадимий одатга кўра исм қўйилишига биринчи навбатда даҳлдор бўлган — бобо ва бувиларга, ота ва оналарга, барча оқпомхонларга ҳавола. Газетхонлар бу ҳақда ўз фикрларини билдиришса, айни муддао бўлур эди. Шундай қилиб азиз дўстлар, хатларингизни кутамиз!

М. МУРОДОВ.

СУНГГИ ТО КОЛОНКА

● РОБОТ РУС ТИЛИДА ГАПИРАДИ

Венгрия Фанлар академияси қошидаги тилшунослик илмий-тадқиқот институти электрон-ҳисоблаш марказининг мутахассислари ўзларига ғалати ёрдамчи яратдилар. Улар оператор билан диалог олиб борадиган компьютерни ясадилар. Янги робот саволларга рус ва венгер тилларида жавоб қайтаришни билади. Бундай компьютерлардан транспортда ва диспетчерлик пунктларида катта муваффақият билан фойдаланиш мумкин. «Электрон сўқбатдош» мактаблар ва институтларда чет тилларни ўрганувчиларнинг ҳам бебаҳо ёрдамчиси бўлиб қолади.

● ҚОҲИРАНИНГ ЯНГИ АЭРОПОРТИ

Қоҳиранинг янги халқаро аэропорти пассажирларни қабул қилиб олишга ҳозирлик кўрмоқда. У фойдаланишга топширилгандан кейин аэропорт хизматидан йилига 7,5 миллион киши фойдаланиши мумкин. Лойиҳада аэропортнинг бундан кейин ҳам кенгайтирилиш режалари кўзда тутилган. Жумладан, 2000 йилга бориб йилига 15 миллион пассажирларни ташишни таъминлаш кўзда тутилмоқда. Янги аэропорт энг янги техника билан жиҳозланган. Самолётлар бевосита аэровокзал биноси олдигача келади, бу ерда уни ҳаракатлантирувчи йўлак бир-бири билан боғлайди. Бинонинг ўзи ярим айлана шаклида қурилган бўлиб, у ерда пассажирларнинг еттита кутиш залари жойлашган.

● СЕМИРСА... ЖАРИМА ТЎЛАЙДИ

Бизнинг кунларимизда кишиларнинг семириб кетаётганлиги уларга қатор қийинчиликлар келтириб чиқараяпти. Лекин америкалик фигурачи Розалин Саммерсга ҳаммадан ҳам жуда қийин. Чунки унинг продюссер билан тузган шартномасида ҳар бир килограмм семириб кетганлиги эвазига 1000 доллар жарима тўлаши лозимлиги лўқма қилиб ёзиб қўйилган. Махсус хизматчи ҳар ойда фигурачнинг контроль текширувдан ўтказиб, унинг оғирлигини албатта ўлчайди.

● ЭНГ ХАВФЛИ КАСБ...

Энг хавфли касблар рўйхатида журналистика биринчи ўринлардан бирини эгаллайди. Рақамлар ана шундан далолат бермоқда. Халқаро журналистлар ташкилотининг маълумотларига кўра кейинги бир неча йил мобайнида 300 дан ортиқ журналист ўз хизмат вазифасини ўтаб турган пайтда ҳаётдан кўз юмган. Лотин Америкаси бу борада ноҳуш биринчилик эгаси бўлиб турибди. У ерда 154 киши шундай касб қурбони бўлган.

● ТОВЛАМАЧИ ҚЎЛГА ТУШДИ

Бензоколонка эгаси, 54 ёшли япон Йошимицу Ямаучи 1978 йили медицина комиссияси бахтсиз ҳодиса туфайли унинг кўрмай қолганлиги тўғрисидаги фактни тасдиқлагандан кейин 320 миллион иен ҳажмида суғурта олган эди. Ямаучининг айтишича у автомобиль ғилдирраги остидан учиб келган тошнинг зарбидан кўзи кўр бўлиб қолган эди. Ана шу йирик миқдордаги пулни унга тўлаган суғурта компанияси Ямаучига билдирмаган ҳолда уни эмдан кузатишда детом этди. Чунки компания унинг товламачилигидан гумони бор эди. Бу гумон бежиз эмас экан. Яқинда Ямаучини шип-шийдон қилиб кетишди — уч номаълум шахс эрта тонгда унга ҳужум қилиб, кассасидан 50-минг ненни олиб чиқиб кетишди. Полицияга берган баёнотида «бутунлай кўр» бўлган бензоколонка эгаси ўғрилар-нинг бутун шакли-шамойилини, уларнинг қандай кийимдаланги, бошараси тузилиши, юришлари қандайлигини ипидан игнасигача айтиб бериб, жиноятчилардан бирининг кўзига оқ тушганлигини ҳам сўзлаб берди. Шундай қилиб товламачининг ўзи қўлга тушди...

Редактор
Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ

ФАН ВА ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ УФҚЛАРИ

РОБОТ — ИНСОН ХИЗМАТИДА

Эртанги кунининг техникаси қандай бўлади, бугунги кунда келажакнинг қандай машиналарини яратмоқ керак! Ҳозир фан ва техника учун бундан муҳимроқ масала йўқ.

Қолаверса, техника қай даражада янги уфқларни забт этса вазифалар ҳам шу даражада мураккаблашиб боради.

Социалистик жамиятда ишчи-хизматчиларнинг меҳнатини енгиллаштириш масалаларн ғоят муҳим аҳамият касб этади. У олимлар ва инженерларнинг катта коллективи билан, фан ва техниканинг барча ютуқлари ҳисобига олинган ҳолда ҳал этилади.

Келажакка назар ташлаганда, саноатни юксак даражада автоматлаштириш ва роботлаштириш энг истиқболли йўналиш эканлигини ҳис этамиз.

Роботлар! Бу сўз бизга фантастик ҳикоялар ва романлар орқали азалдан таниш. Ҳозирги кунда эса у дарсликларда, илмий ва оммабоп мақолаларда тез-тез учраяпти. Фақат шугина эмас, саноат роботларн станокларни, конвейерларни, автоматик линияларни бошқарнб, мамлакатимиз халқ хўжалигига яхши наф келтиряпти.

СССРдаги ва социалистик мамлакатлардаги роботлаштириш стратегияси капиталистик оламдагидан кескин фарқ қилади. КПСС XXVI съездида ишлаб чиқаришни автоматлаштиришни кенгайтириш йўли белгиланди. Бунн фан ва техника революцияси ва йирик машинасозлик кўламлари, шунингдек моддий ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигининн тинмай юксалтириб боришнинг аҳамияти ортаётганлиги ҳам тақозо этмоқда. Улуғ Ватан урушининг оқибатида 80-йилларда меҳнатга лаёқатли аҳоли миқдорининг нисбатан ўсиши камайганлиги, оғир ва малака талаб этмайдиган ишларда ишлашга қизиқишнинг пастлиги, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган соҳаларга кишиларнн жалб этиш зарурати туфайли бу вазифа янада зўр аҳамият касб этмоқда.

1985 йилда мамлакатимизда автоматик манипуляторлар [саноат роботлари] ишлаб чиқариш 14 процент ўсиб, 14,3 мингтага етади. Бу 1980 йилдагидан қарийб 10 баробар кўпдир. Йил охирига борнб роботлар паркн 40 мингтага етади. Уларнн жорий этиш 60 минг ишчини енгил ишларга ўтказиш имкониятини яратади. Бундан кўриладиган иқтисодий самара эса 200 миллион сўмдан кўпроқ бўлади.

Шуни таъкидлаш керакки, Ватанимиз машинасозлигида саноат роботларидан анниқ пайванд ишларида, металл қирқиш станокларида, темирчилик-пресслаш ускуналарида, кўтарма-транспорт ишларда фойдаланиш кенгайди.

Саноат роботларидан айниқса Ленинград шаҳри ва области корхоналарн яхши фойдаланяпти. Бу ерда фақат 1977 йилдан 1984 йилгача ишлаб чиқаришга бнр ярим мингта робот-манипулятор жорий этилди. Шу йил охирнгача уларнинг сонини 2 мингтага етказиш режалаштириляпти. Бу ерда бир хил, зернкарли, кишнни жароҳатлаш мумкин бўлган оғир қўл меҳнатидан 700 кишн озод этилди. Меҳнат унумдорлигн 2—3 баробар, айрим ҳолларда эса олти баробар юксалди. Ускуналарнинг сменали коэффициентн ҳам кескин ўсди. Фақат Петрозаводск корхоналарндан бирида кейинги икки йилда 160 тадан ортиқ робот техникаси воситаларн жорий этилганлигн 700 кишнни бошқа ишга ўтказиш, меҳнат унумдорлигнни олти баробар ўстирнш, меҳнат шароитнни тубдан яхшилаш имконнни берди.

Саноат роботларнни муваффақиятли жорий этиш бўйича бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Жумладан, барчамизга яхши маълум бўлган «Волга», «Жигули», «Запорожец», «Москвич» енгил автомобилларнни ишлаб чиқарадиган автомобиль заводларида ва бошқа шу каби корхоналарда автомобиль кузовларнни йиғиш, пайвандлаш ва бўяш сингари технологик жараёнларда роботлар самарали ишлаяпти. Натижада бу корхоналарда ҳам меҳнат унумдорлигн, ишлаб чиқариш маданнятн ўсди.

1984 йилда республикамиз халқ хўжалигида фан ва техниканн тараққий эттирнш бўйича яхши ютуқлар қўлга киритилди. Жумладан, 157 та механизациялашган поток ва автоматлашган линия ўрнатилди. Технологик жараёнларни бошқарнш бўйича етмта автоматлашган система яратилдн, программали бошқарнладиган 93 та металл кесиш станокларн жорий этилди. Айни пайтда роботлар паркн, ортиш-тушнрнш, кўтарма-транспорт ва омбор ишларида роботлардан фойдаланнш кенгайди.

Фақат 1984 йилда республикамизда юздан ортиқ робот жорий этилдн. Уларнинг кўпчилигн Тошкент шаҳрн корхоналарида ишлаяпти. Натижада оғир қўл меҳнатидан фойдаланиш анча камайдн. Бу соҳада айниқса В. П. Чкалов номли авиацня, «СССР 50 йиллигн номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқарнш бирлашмалари, авторемонт заводи коллективларн маълум ютуқларни қўлга киритдилар.

Роботлаштнрнш катта илмий ишнн тақозо қиладиган соҳа бўлганн учун илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларнни ўтказиш салмоқлн харажатнн талаб этади. Бунда инсоннинг сезги аъзоларн ўрнини босадиган махсус мосламалар орқали роботларнинг техник имкониятларнни кенгайтиришга асосий эътибор бернляпти. Роботлар тайёрлашдаги бошқа йўналиш эса уларни мукаммал бошқарув мосламаларн билан жиҳозлашдан, иш суръатнни, юк кўтарнш имкониятларнни оширишдан ва аниқ ишлашнни таъминлашдан иборатдир.

Роботларнн жорий этишни кенгайтиришга ҳалақит бераётган асосий қийинчиликлар эса улар ҳали етарлн миқдорда ишлаб чиқарилмаётганлигн ва бу мураккаб машиналарни билиб ишлатишга қодир бўлган малакали кадрлар корхоналарда етишмаётганлигидир. Бу камчиликлар секин-аста бартараф этнб борилади, албатта.

Етакчи капиталистик мамлакатларда ҳам робот техникаси воситаларн анча жадал суръатлар билан яратилляпти. Бунга сабаб шуки, капитализмнинг умумий кризисн кучайган ва етакчи капиталистик мамлакатлар ўртасида халқаро бозор учун кураш кескинлашган шароитда фан ва техниканнинг сўнгги ютуқларнни кенг жорий этиш маҳсулотнинг конкуренцняга бардош бернш имкониятларнни оширишнинг асосий воситаларндандир.

Капиталистик оламда Япония саноат роботларнининг энг катта паркига эга. Бу ерда 70-йилларда саноат роботларнни кўпайтирнш мамлакатда меҳнат унумдорлигнни ўстирнш, жаҳон бозорида миллий маҳсулотнинг юксак конкуренцняга бардош берншнни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқарнш аппаратнни қайта қурнш жараёнининг таркибий қисми бўлдн. Айни пайтда бу даврда АҚШда саноат роботларн паркининг ўсиш суръати суст бўлдн. Бу меҳнат унумдорлигнни ўстирнш суръатларининг пасайишига ва жаҳон бозорида Америка компанияларн позицнясининг бўшашувига олиб келдн.

Капиталистик ишлаб чиқарншда роботларнн жорий этишдан асосий мақсад иш ҳақи учун сарфланаётган харажатларни камайтирншдан, иш вақтнни зичлаштирнш эвазига меҳнат унумдорлигнни ўстирншдан ҳамда «чарчамайдиган» доимий иш режимнни таъминлашдан, ускуналарнинг иш коэффициентнни оширишдан ва пировард натижада фойданн кўпайтирншдан иборатдир.

Ишлаб чиқариш жараёнларнни роботлаштирнш мақсёларн бнринчи навбатда рнвожланган мамлакатларда янада замонавийроқ роботлар, айниқса, учинчи авлод ёки интеллектуал роботлар яратишга қаратилган тадқиқот ишларн қай даражада муваффақиятли бўлишига боғлиқ. Учинчи авлод роботларнинг инсоннинг сезги аъзоларига ўхшаган аппаратларн, шунингдек такомиллашган электр «мияси» бўлиб, «сезиш», «кўриш», «эшитиш» ва «одам билан сўзлашиш» имкониятига эга бўлади, аниқ ишлаб чиқариш шароитларига қараб, ўз ҳаракат программасини мустақил ўзгартира олади.

Капиталистик оламда роботлаштирнш ишларининг кенгайиши юқорида таъкидлаганимиздек, монополияларга тирик ишчи кучини тежаш эвазига фойданн кўпайтирнш имконини беради. Айни пайтда у ишчи кучига бўлган эҳтиёжни камайтирнб ва ишсизлар армиясини кўпайтирнб, соцнал зиддиятни янада кескинлашувига олиб келади.

А. МАМАЮСУПОВ,
техника фанлари кандидати.

КИНО ИХЛОСМАНДЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

28 МАЙДАН 2 ИЮНГАЧА

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

Вьетнам Социалистик Республикаси ташкил этилганлигининг 40 йиллигига бағишланган

ВЬЕТНАМ ФИЛЬМЛАРИ ҲАФТАЛИГИ ЎТКАЗИЛАДИ

«Искра» — «Қўнғироқларнинг зарғалдоқ жаранги».
«Пистирма».
«Осойишта ўлка кечаси».
«Хароба дала».
«ВЛКСМ 30 йиллиги» — «Осойишта ўлка кечаси.
«Хароба дала».
«Қўнғироқларнинг зарғалдоқ жаранги».
«Пистирма».
Тошсовет 50 йиллиги номли — «Хароба дала».
«Қўнғироқларнинг зарғалдоқ жаранги».
«Пистирма».
«Осойишта ўлка кечаси».

ВЬЕТНАМ ФИЛЬМЛАРИ НАМОЙИШИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ.



ҲАМИША МОДАДА ВА ЧИДАМЛИ

ҚАДИМ ЗАМОНЛАРДА ХИТОЙДА ТЎҚИШ КАШФ ЭТИЛГАН. ТАБИИЙ ШОЙИЛАР ЎЗИНИНГ МАЙИНЛИГИ, ЯЛТИРОҚЛИГИ, ЧИРОЙЛИЛИГИ БИЛАН БИЗНИНГ ҲОЗИРГИ ДАВРИМИЗДА ҲАМ ҚЎЛ КЕЛМОҚДА.

Бундай шойи газламалардан тайёрланадиган замонавий қиёфадаги ёзги кўйлаклар ва бошқа либослар айниқса аёлларнинг гўзаллигини баркамол қилади.

ГАЗЛАМАЛАР СОТУВЧИ МАГАЗИНЛАР ВА УНИВЕРМАГЛАР РАНГ-БАРАНГ ТУСДАГИ КРЕПДЕШИН, ШИФОН, ХОНАТЛАС, ТАБИИЙ ШОЙИ ГАЗЛАМАЛАРИНИ ХАРИДОРЛАР ДИҚҚАТИГА ҲАВОЛА ҚИЛАДИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-27).

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 28/V да **Маскарабозлар**, 29/V да **Концерт**.

кино

28 МАЙДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«СИР САҚЛАГАН ОДАМ» — **Санъат саройи** (катта зал, 18.30, 20.45 кичик зал, 17, 19.30; телефон 44-21-34), **Тинчлик** (18.30, 21.00), **Қозоғистон** (17, 18, 20,21.00; телефон 35-24-92), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (18.30, 21.30).

«ҚОРА КАЛХАТ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда).

«МУҲРЛАНМАГАН ЮК» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69), **Мир** (тоқ соатларда).

«ТУТСИ» — **Фестиваль** (21.30, телефон 32-78-02), **Чайка** (17 20.00; телефон 77-06-20).

«ОППОҚ ШУДРИНГЛАР» — **Искра** (18, 20.00; телефон 39-14-59).

«ҚИШЛОҚИ ҚИЗ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ» — **Лисунов номли** (17, 20.00; телефон 96-34-02).

«ОҚ ПАТ ДОҲИЙСИ» — **С. Раҳимов номли** (18.30, 21.00; телефон 48-46-71).

29 МАЙ

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

«СИР САҚЛАГАН ОДАМ» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, 18.30 20.45, кичик зал, 12, 14.30, 17, 19.30; Телефон 44-21-34), **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (11, 13.30 16, 18.30, 21.30; Телефон 78-47-25), **Тинчлик** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

«ВАЗИЯТГА ҚАРАБ ИШ ТУТ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ҚОРА ҚАЛХАТ» — **Нукус** (тоқ соатларда, телефон 46-70-69) **К. Ерматов номли** (жуфт соатларда).

«ТУТСИ» — **Фестиваль** (21.30, телефон 32-78-02), **Чайка** (11, 14, 17, 20.00; Телефон 77-06-20).

«ОППОҚ ШУДРИНГЛАР» — **Искра** (14, 16, 18, 20.00; Телефон 39-14-59).

«ГИТАРАЛИ ҚАЛЛОБ» — **Мир** (тоқ соатларда).

«БЕҒАРАЗ» — **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ» — **Лисунов номли** (11, 14, 17, 20.00; Телефон 96-34-02).

«ДИСКО РАҚҚОСИ» — **С. Раҳимов номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 48-46-71).

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлигининг
РЕСПУБЛИКА УҚУВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМБИНАТИ
МИЛЛИЙ КАШТАЧИЛИК (попончилик) **бўйича мутахассислар тайёрланадиган**
6 ОЙЛИҚ КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

8-10 синф ҳажмида маълумотли, 16 ва ундан катта ёшдаги Тошкент шаҳрида доимий прописка бўлганлар қабул қилинадилар.
Ўқувчиларга ҳар ойда 35 сўм стипендия тўланади.
Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.
Курсни тамомлаганлар Тошкент бадиий буюмлар фабрикасига ишга юборилади.
Фабрика қошида кечки мактаб ишлайди ва ўқишни давом эттириш мумкин.
Ўқиш ўзбек тилида олиб борилади.
Машғулотлар ҳар ойнинг бошида бошланади.
Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, Сағбон кўчаси, Олча проезди, 2-уй (38, 59, 76, 166-автобусларнинг «Магазин» бекати). Справкалар учун телефон: 44-29-70.

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!
18-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1985-86 ЎҚУВ ЙИЛИГА
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА
ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Токарь, ремонтчи-слесарь, электр газ пайвандчи, фрезерчи, программали бошқариладиган станокларнинг оператори, электр ускуналар ремонти бўйича электромонтер, механика-йиғув ишлари слесари, техника назорати бўлими контролери, қўлда қолиплаш қолипловчиси.
ЎҚИШ МУДДАТИ: 10 синф маълумотлилар учун — бир йил, 8-синф маълумотлилар учун — 3 йил.
Уч йиллик группаларга қабул қилинганлар 3 маҳал иссиқ овқат, формали кийим-бош ва ётоқхона билан таъминланадилар.
Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар иш ҳақининг 50 процентини оладилар.
Бир йиллик группаларга қабул қилинган ўрта маълумотларга 30 сўм ҳажмида стипендия тўланади.
Қўлда қолиплаш қолипловчиси касби бўйича ўқийдиганларга эса ойига 90 сўм миқдорида стипендия тўланади.
Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.
Билим юртини битирганларга ўрта маълумот ва тегишли малака олганлиги тўғрисида диплом берилади. Имтиёзли диплом билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртларига ўқишга юбориладилар.
Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат, турар жойидан ва медицина (286-форма) справкалари, 6 дона фотосурат (3х4 см.), паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома.
МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.
Қабул комиссияси якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача ишлайди.
Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, 100-алоқа бўлими, Ш. Руставели кўчаси, 57-уй (2, 3, 50, 54-автобуслар; 2, 6, 13, 16-троллейбуслар; 4, 7, 11, 24, 28-трамвайларнинг «Социалистик шаҳарча» бекати). Телефонлар: 53-95-26, 53-95-23, 53-95-21.

«УЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» трестининг
ЎҚУВ ПУНКТИ
вентиляция ва ҳавони кондиционлаштириш ва вентиляция монтажи бўйича слесарь-вентиляциячилар, вентиляция системаларининг деталларини тайёрлаш слесарь-вентиляциячиларини тайёрлайдиган
3 ОЙЛИҚ КУРСЛАРГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА 8-10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТЛИ 17 ЯРИМ ЁШДАН 40 ЁШГАЧА БЎЛГАН КИШИЛАР ИМТИҲОНЛАРСИЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.
Ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади.
Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.
КУРСЛАРНИ ТУГАТГАНЛАР «УЗПРОМВЕНТИЛЯЦИЯ» ТРЕСТИНИНГ ТАШКИЛОТЛАРИГА ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.
Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар: турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисидаги медицина справкаси, 3х4 см. ҳажмдаги фотосурат, меҳнат дафтарчаси.
Паспорт ва ҳарбий билет (ёки ҳарбий рўйхатда турганлиги тўғрисида гувоҳнома) **шахсан кўрсатилади.**
Мурожаат учун адрес: 700047, Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй, 3-қават, 25-хона.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ ЗАЛИДА
9 ИЮНГАЧА
«МУЗ УСТИДА БАЛЕТ»
Н. ОСТРОВСКИЙ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА МУҚОФОТИ ЛАУРЕАТИ
ҚИЕВ БАДИИЙ-СПОРТ АНСАМБЛИНИНГ
ГАСТРОЛЛАРИ

«БИЗ УКРАИНАДАНМИЗ» ПРОГРАММАСИДА — БАЛЕТ, РЕВЮ, СПОРТ, ЮМОР, АКРОБАТИКА, БОШҚА ХИЛ ТОМОШАЛАР.

ТОМОШАЛАРДА Халқаро классдаги спорт мастерлари, СССР спорт мастерлари, СССР биринчиликларининг совриндорлари, Жаҳон ва Европа биринчиликлари, Олимпиада ўйинлари иштирокчилари, Украина ССРда хизмат кўрсатган артистлар қатнашадилар.
БАДИИЙ РАҲБАР ВА БОШ БАЛЕТМЕЙСТЕР — Украина ССРда хизмат кўрсатган артист ФЕДОР ФЕДОТОВ.
Саҳналаштирувчи-балетмейстер — Украина ССРда хизмат кўрсатган артист ЕЛЕНА ГОДНИЧАК.
ТОМОШАЛАР: 1, 2, 8, 9 июнь соат 17.00 ва 20.00 да; 28, 29, 30, 31 май, 4, 5, 6, 7, июнь соат 20.00 да бошланади.
Билетлар «Юбилей» Марказий спорт зали кассаларида сотилмоқда.
КАССАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 12.00 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.
КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
Қуйидаги телефонлар орқали маълумотлар олиш мумкин: касса — 65-03-12, администратор — 46-07-53, 46-68-77.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ
ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

КИРОВ РАЙОНИДАГИ ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА
катта бухгалтер, ревизор, бухгалтерлар, табелчилар, машина-ҳисоблаш бюросининг операторлари, болалар муассасаларининг катта бухгалтери.
ФРУНЗЕ РАЙОНИДАГИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИГА
бош механик, қурувчи инженерлар, техника хавфсизлиги инженерлари, техника бўлими бошлиғининг ўринбосари, катта бухгалтер-ревизор, қурувчи техник, секретарь-машинистка.
СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИДАГИ МАИШИЙ ХИЗМАТ КОРХОНАЛАРИГА
меҳнат бўйича инженер, техниклар, катта бухгалтер.
КИРОВ РАЙОНИДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ КОРХОНАЛАРИГА
ўровчи машиналарнинг машинистқалари, карамель қиёмини қайнатувчилар, тайёр маҳсулотларни ўраб-жойлаштирувчи, созловчи-слесарлар, қоровуллар.
Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли.
КИРОВ РАЙОНИДАГИ ТАШҚИЛОТЛАРГА
бош бухгалтерлар, контролёр-ревизия бўлими бошлиғининг ўринбосари, катта бухгалтер-ревизор, катта юрист-консультант, катта инженерлар, иссиқлик техникаси, гидротехника бўйича инженерлар, электр техниклар, механиклар, экономистлар. МУБОРАК ТЭЦида ИШЛАШ УЧУН— смена, цех бошлиқлари, катта машинистлар, қозон ва турбиналарнинг машинистлари, станция навбатчи инженерлари, таъминот насосларининг машинистлари, қозон ва турбиналар асбоб-ускуналарини ремонт қилувчи слесарлар.
СПРАВҚАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:
МАРКАЗИЙ ПУНКТ— Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона.
ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй;
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй;
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ— 2-квартал, 3-уй;
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ— М. Ҳасанова кўчаси, 10-уй;
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 50-уй;
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ— Энгельс кўчаси, 48-уй;
СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй;
АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй;
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — 2-квартал, 69-уй.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИГА ВА МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИНИНГ ЭКРАНЛАРИГА

ҚУЙИДАГИ ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИ ЧИҚАРАДИ

«МУҲРЛАНМАГАН ЮК»



Сценарий муаллифи— В. МАЗУР.

Режиссёр — ПОПКОВ.

Ролларда: А. ГОРБУНОВ, Т. КАРК, С. ПОНОМАРЕНКО ва бошқалар.

Бу ўткир сюжетли кинолента совет божхона ходимлари иши ҳақида ҳикоя қилади. Фильм қаҳрамони — божхонанинг ёш инспектори Женя Стенько чет эл кемаларидан бирини кўздан кечириш пайтида контрабанда йўли билан яширинча олиб кетилаётган юкларни — наркотикларни қўлга туширади.

А. ДОВЖЕНКО НОМЛИ КИНОСТУДИЯ МАҲСУЛОТИ.

«ЕТТИ ОФАТ»

В. Шчербаковнинг шу номдаги романи асосида яратилган.

Сценарий муаллифи — **В. ШЧЕРБАКОВ, Г. ИВАНОВ.**

Режиссёр— **Г. ИВАНОВ.**

Ролларда: И. СТАРИГИН, И. АЛФЕРОВА, А. ДУНАВСКА ва бошқалар.

Бу фантастик фильм бош қаҳрамонлари— журналист Глеб, ўзга сайёра вакиласи Аира, биологлар Янков ва Валентина, физик Ольминлардир.



М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ КИНОСТУДИЯ МАҲСУЛОТИ.

БИЛИМЛАР УЙИДА

(Киров кўчаси, 24-уй)

31 май соат 19.00 да

КУЛГИ КАМАЛАГИ

юмор, музика, яхши кайфият оқшоми

Ғолибларни мукофот кутади.

Октябрь районидаги 53-кечки ўрта мактаб томонидан **Шоробов Валиджон** номига берилган 109511 номерли йўқолган

8-СИНФНИ ТУГАТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Главташкентстрой 1-«Чимганстрой» қурилиш трести 63-қурилиш бошқармасининг йўқолган

42-ШТАМПИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Театр жамияти ва Республика Ёш томошабинлар театри колективлари актриса Е. Зиямуҳамедовага онаси

Ҳанифахон СОДИҚОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТВ

сешанба

28 МАЙ

ЧЕГАРАЧИЛАР КУНИ

● МТ I
17.45 В. Моцарт. 38-«Прага» симфонияси.
18.15 «Фан ва турмуш».
18.45 «Махсус зона». Алоҳида контроль пропуск пунктларининг чегарачилари ҳақида телефильм премьераси.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 А. Литвиненко куйлайди.
19.55 «Иссиққўлнинг албон лолалари». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев). — «Спартак». Танаффус пайтида (22.45) —«Дунё воқеалари».

4 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ
28 МАЙ 1985 й.

● МТ II
18.30 Янгиликлар.
18.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
20.00 «Мусиқали киоск».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 Енгил атлетика бўйича Бутуниттифоқ мусобақалари.
21.30 «Время».
22.00 Н. Долинина. «Доктор Жуков, йўлга». Телеспектакль.

● ЎзТВ I
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Чурек ва кичкинтой». Мультфильм.
18.25 Болалар учун концерт.
19.05 «Миллионлар ленинча университети». «Тарбияга комплекс ёндошиш».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Она қалби оққа турса...» Адабий композиция.
20.30 «Ахборот».
20.50 Нов Давлат ўзбек мусиқали драма театри артистларининг концерти (Тожикистон ССР).
21.30 Москва. «Время».
22.00 «РАПО: тажриба ва муаммолар».
22.25 А. Дударов. «Остона». А. П. Чехов номидаги Самарқанд Давлат рус драма театрининг спектакли (рус.).

● ЎзТВ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Вақт атомларга бўлинмайди». Илмий-оммабоп фильм.
18.30 Ўқитувчи экрани. Дарс самарадорлигини оширишда ўқув телевидениесининг роли.
19.00 «Бригадирнинг дастхати». Телефильм.
19.15 «Чегарада кунлар ва тунлар». Чегарачилар кунига бағишланган кинопрограмма.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Эстафета давом этади...»
21.00 «Озиқ-овқат программаси звенолари» (рус.).

чоршанба

29 МАЙ

● МТ I
9.00 «Время».
9.40 «Ҳайвонот оламида».
10.40 «Иссиққўлнинг албон лолалари». Бадиий фильм.
12.15 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Қишлоқ уфқлари». Ҳужжатли фильмлар.
15.55 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?»
16.30 «БАМ қурилиши давом этади».
16.55 «Вьетнамнинг анъанавий қўғирчоқ театри». 1-кўрсатув.
17.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.15 «Эҳ, эркаклар, эркаклар...» Смоленск область, Поченовск районн «Заря» колхозидаги ичкилик истеъмол қилмайдиганлар жамияти ҳақида.
18.45 «Сиз яратган боғ».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
20.00 «Дивизия командирининг бир куни». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 Союзлар уйининг Колонна залида М. А. Шолохов туғилган кунининг 80 йиллигига бағишланган кеча.
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II
9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Шафқат солдатлари». Илмий-оммабоп фильм.
9.35. 10.35 Жамиятшунослик. 10-синф. Ҳаракат диалектикаси. СССРда ривожланган социализм жамияти ҳақида.
10.05, 14.10 Немис тили.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Тарих. В. И. Ленин — Октябрь доҳийси.
11.35, 12.40 Тарих. 9-синф. СССРда маданий революция.
12.05 «Фан ва турмуш».
13.10 Физика. Вазнсизлик ва ортиқча юк.
13.40 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
14.40 Ўқитувчига музика сабоғи. 6-синф. 2-кўрсатув.
15.20 И. Ильф ва Е. Петров. Асарлари саҳифаларида.
16.15 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.45 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
19.10 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». СССР халқ рассоми Э. Калнинь.
19.45 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Минск) — «Динамо» (Тбилиси). 2-тайм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Инсон. Ер. Коннот».
21.30 «Время».
22.05 «Коломба». Уч серияли телевизион бадиий фильм (Италия). 1-серия.
23.00 «Театр, кино ва телевидениеда музика».

● ЎзТВ I
10.00 «Ахборот».
10.20 «Яна бир бор қувончли кун». Телефильм.
10.40 Мактаб ўқувчилари учун. «Ёш сеҳргарлар».
11.30 «Қорақумда». Бадиий фильм.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 «Сепкилвой варрак учиради». Мультфильм.
18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Болалар уйининг эгалари» (рус.).
19.10 «СССР ва иттифоқдош республикалар иқтисодий тараққиётининг антимарксистик концепциясини танқид» Бутуниттифоқ илмий конференциясига. «Буржуа идеологиясини танқид ва контрпропагандининг актуал масалалари».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Футбол чорраҳаларида».
20.15 «Пиллакорларнинг меҳнат рапортлари».
20.30 «Ахборот».
20.50 Ёш ижрочилар концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Ғариб ва Санам». Уйғур музикали драма театрининг спектакли.
23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Шимол дарёлари эртаги». Телефильм.
18.35 «Совет хотин-қизлари». Кинопрограмма.
19.40 «Умиднинг ўн икки соати». Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.).
20.55 Регби бўйича СССР чемпионати. «Политехник» (Тошкент) — «Вайрас» (Шауляй). Ёзиб олинган репортаж.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.
(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Индекс 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.

Р —12285.